

Мустафо

саллаллоҳу алайҳи ва салламга

нусратнинг юз василаси

[Ўзекча]

مائة وسيلة لنصرة المصطفى صلی اللہ علیہ وسلم

[باللغة الأوزبكية]

Мустафо саллаллоҳу алайҳи ва саллам нусратлари учун тузилган
оламий кенгаш

اللجنة العالمية لنصرة خاتم الأنبياء صلی اللہ علیہ وسلم

Таржима : Шамсуддин Ҳакимзода ва Шамсуддин Дарғомий

ترجمة: شمس الدين حكيم زاده وشمس الدين درغامي

Риёз шахри, Рабва диний тарғибот идораси

المكتب التعاوني للدعوة وتوعية الجاليات بالربوة بمدينة الرياض

1429 – 2008

islamhouse.com

Бисмиллахир Роҳмаанир Роҳийм

Мустафо саллаллоҳу алайҳи ва салламга нусратнинг юз василаси

Оламлар роббиси Аллоҳга ҳамдлар ва барча пайғамбарларнинг улуғи, шарафлиси пайғамбаримиз Мұхаммад мустафо саллаллоҳу алайҳи ва салламга Аллоҳнинг салавот ва саломлари бўлғай!

Муаззам исломимизнинг энг аввалги рукни “Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ, Мұхаммад Унинг элчиси ва қулидир” деб гувоҳлик бермоқдир. Икки калимадан иборат бу шаҳодатнинг teng ярми бўлган “Мұхаммад Аллоҳнинг элчиси” деган қисми тубандаги ишларни бажариш асносидағина амалда рўёбга чиқажак:

Биринчидан: пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи ва саллам хабар берган барча нарсаларни тасдиқлаш. Бу хабарларнинг аввалгиси у жанобнинг Қуръон ва Суннатдан иборат ваҳйини (Ислом динини) барча инсу жинсга еткизиш учун Аллоҳ таоло томонидан юборилган ҳақ пайғамбар эканлигидир. Зоро, Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло бу диндан бошқасини қабул қилмагай.

Иккинчидан: у зотга комил итоатда ва ҳукмларига рози бўлиш. Суннатларига тўла амал қилиб, бўйсуниб, суннатдан бошқа амалларни тарқ қилиш.

Учинчидан: ҳар ким у зотни ота онасидан ва ҳатто ўзидан ҳам кўпроқ севишлиги, ҳурматлашлиги ва ҳар лаҳзада у зотни мудофаа қилишга тайёр туришлиги.

Бас, иймонининг сахихлигини изҳор қилиш ва иймон калимасининг иккинчи қисмини рўёбга чиқариш учун ҳар бир мусулмон банда мана шу маъноларни бажо қилиш йўлида ҳаракат қилиши лозим бўлади. Илло, тубандаги оятда зикри келган мунофиқлар каби шаҳодатларимиз мақбул бўлмагай! Аллоҳ № улар ҳақида айтган эдики:

{ نَشَهِدُ إِنَّكَ لِرَسُولِ اللَّهِ وَاللَّهُ يَعْلَمُ إِنَّكَ لِرَسُولُهُ وَاللَّهُ يَشَهِدُ إِنَّ الْمُنَافِقِينَ لَكَاذِبُونَ } {المنافقون : 1}

“(Мунофиқлар дедилар: эй, Мұхаммад!) **Биз сенинг Аллоҳ элчиси эканлигингга гувоҳлик берамиз, Аллоҳ билар сен Унинг элчиси эканлигингни”.** Аммо, Аллоҳ эса мунофиқлар ғирт ёлғончи эканлигига гувоҳлик беради”¹

1 Мунофикун: 1

Бу оятдан кўриниб турибдики, мунофиқларнинг шаҳодатлари қабул бўлмади. Чунки, улар бу шаҳодатни амалда рўёбга чиқармаган эдилар.

Тубанда эса, биз унга ота онамиз, мол дунёмиз ва ҳатто жонимизни қурбон қилишга тайёр бўлган, шахсийтига қабиҳона хужум бўлаётган расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва салламга нисбатан шаҳодатимизнинг тасдиғи ва мухаббатимизнинг рамзи сифатида баъзи бир ишларни таклиф қиласизки, шояд ҳар ким ўз мавқеига яраша, масъулиятини ҳис қилиб, имкон қадар уларни амалга оширишга ҳаракат қилас...

Ҳар шахсдан матлуб нарсалар:

1. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва салламнинг барча оламлар Роббисининг элчиси эканлиги ва бу элчиликнинг асоси Куръону Карим эканлиги хусусидаги ҳамда у зотнинг пайғамбарчилигининг ростлиги ҳақидаги қатъий далиллар устида тафаккур қилиш.
2. Куръон Суннат ва Ижмоъдан пайғамбар саллоллоҳу алайҳи ва салламга итоат ва иқтидо қилишнинг вожиблиги ҳақидаги далилларни ўрганиш.
3. Ҳар бир одам Аллоҳ № расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатини даҳрлар оша сақлаб келаётганлигини билиши. Аммо, бу нарса (ўз ўзидан бўлмади, балки) ҳар бир асрдаги илм аҳларининг ҳаракати ва сахих ҳадисларни носахиҳларидан ажратишлиги ҳамда бу умматни бошқа умматлардан ажратиб турадиган даражада дақиқ усуслар билан жамлашлиги натижасида вужудга келди.
4. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва салламнинг суврат ва сийратидаги улуғ сифатларини зикр қилиш сабабли у зотнинг мухаббатини қалбларга сингдириш, таржимайи ҳоллари ва шамойилларини ўқиб ўрганиш ҳамда у зотнинг суврат ва сийратида барча башарий камолотлар мужассам бўлганлигини билиш.
5. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва саллам барча инсонлардан афзаллигини тасаввур қилиш. Чунки, айнан ана шу зот бизларга Аллоҳнинг динини мукаммал сувратда етказиб берганлар, умматга насиҳат қилганлар ва амонатни тўла адо этганлар.
6. Ўзимиз эришган барча дунёвий ва ухровий яхшиликни Аллоҳ №дан кейин у зотга боғлашлик. Чунки, у яхшиликларга бизни расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва саллам бошлаганлар.
7. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва салламни инсонлар орасидаги энг раҳмдили, умматларига энг куюмлиси деб тасаввур қилиш. Аллоҳ № айтганки:

النبي أولى بالمؤمنين من أنفسهم

8. “Пайғамбар мўминларга нисбатан ўзларидан ҳам авлороқдир”²
9. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва салламнинг роббиси олдидағи улуг манзилатларига, Аллоҳга энг маҳбуб инсон эканлигига ва Аллоҳ у зотни камоли эҳтиром билан ҳурмат қилишлигига далолат қилган оят ва ҳадисларни ўрганиш.
10. Аллоҳ № бизларга у зотни севишни буюрганлигини билиш ва буни лозим тутиш. Балки, биз у зотни ўзимиздан ҳам авлороқ севишлигимиз лозимдир. Зеро, у зот деганларки:

(لن یؤمن أحدکم حتى أكون أحب إلیه من نفسه وولده ووالده والناس أجمعین)

“Сизлардан ҳеч бириңиз мен унга ўзидан, болаларидан ва от а оналаридан ҳам севимлироқ бўлмагунимча иймонли бўла олмас”
11. Яна шуни билиш муҳимки, Аллоҳ № бизларга расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва саллам билан муомалада одобли бўлишни лозим қилган. Аллоҳ таоло деди:

{ يا أيها الذين آمنوا لا ترفعوا أصواتكم فوق صوت النبي ولا تجروا له بالقول كجهر بعضكم البعض أن تحبط أعمالكم وأنتم لا تشعرون }

“Эй, иймон келтирган бандалар! Овозингизни пайғамбарнинг овозидан баланд кўтарманглар ва унга бир бириңизга гапиргандек бақириб гапирманглар!”³
12. Аллоҳ №нинг расулуллоҳни ҳар қандай таҳқир ва азиятдан химоя ҳамда мудофаа қилиш хақидаги буйруғига бўйин суниш. Аллоҳ таоло деди:

(لَتُؤْمِنُوا بِاللهِ وَرَسُولِهِ وَتَعْزِيزُوهُ وَتَوْقِرُوهُ)

“Аллоҳга ва расулига иймон келтиришлигингиз,.....ва ҳурматини риоя қилишлигингиз учун”
13. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва салламнинг нусратига ва у зот учун ҳар нарсага тайёр туришга ҳозириу ният бўлишлик.
14. Пайғамбар саллоллоҳу алайҳи ва салламни севишлигини амалда рӯёбга чиқарган одам учун охиратда у зот билан олий даражадаги шериклиқда мужассам бўлган улуғ савоб ато қилинишлигини аниқ билишлик. Зеро, расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва саллам “мен Аллоҳ ва расулини севаман” деган кишига жавобан: “сен севган одаминг билан бирга бўлгайсан” дедилар.
15. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва салламнинг бизнинг устимиздаги ҳаққи адo қилиб бўлмас даражада буюк бўлгани ва савоби улуг бўлгани сабабли аzon вактида, жумъя кунларида ва у зотнинг муборак исми зикр

² Аҳзоб: 6

³ Ҳужурот: 2

қилинган ҳар бир лаҳзада салавот ва саломлар айтишга ҳарис бўлишлик.

16. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва салламнинг сахих сийратларини ўқиш, нафақат ўқиш балки, ҳар бир ҳодиса олдида тўхтаб, тафаккур қилиб, ибрат олиш ва олинган тасаввурларни ҳаёт воқеълигига боғлашлик.
17. Эътиборли илм аҳллари тадқиқ қилган сахих ҳадисларни ўқиш, уларни фаҳмлаш орқали суннатни таълим олиш ва у таълимот зимнидаги мўътабар аҳкомлар, бекиёс ахлоқлар, Аллоҳга тўлиқ бўйсуниш ва комил ибодат қилиш усулларини ўзлаштириш.
18. У жанобнинг барча суннатларини бошқа ҳар қандай таълимотдан авло билиш ва у суннатларга тамомий сувратда тобеъ бўлиш.
19. У зотга барча мустаҳаб амалларда эргашишга ҳарис бўлиш. Пайғамбарга саллоллоҳу алайҳи ва саллам ҳар бир нарсада эргашаётганимизни изҳор қилиш учун мустаҳаб амални умримизда бир марта бўлса ҳам адо қилишга тиришиш.
20. У зотнинг суннатларидан бирортасини мазахлашликдан эҳтиёт бўлиш.
21. Муборак суннатлари халқлар орасига оммавийлашиб кетаётганилигидан севиниш.
22. Баъзи одамлар тарафидан баъзи суннатлар тарк қилинаётганилигидан маҳзун бўлиш.
23. У зотни танқид қилган ҳар қандай шахсдан нафратлниш.
24. У зотнинг аёллари ва зурриётидан иборат аҳли байтини севиш. Расулуллоҳга қариндошлиги ва исломга кирганилиги туфайли уларни севиш ва шу сабабли Аллоҳга тақарруб ҳосил қилиш.
25. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва салламнинг аҳли байти ҳақида уч бора қайталаб: “мен аҳли байтим ҳақида огоҳлантириб, сизларга Аллоҳни эслатаман” деган васиятига амал қилиш.
26. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва салламнинг асҳобларини севиш, эҳтиром қилиш ва уларнинг илми ва Аллоҳ ҳузуридаги маконати кейингилардан афзал деб этиқод қилиш.
27. Пайғамбар саллоллоҳу алайҳи ва салламнинг меросига алоқадор бўлганлари сабабли, уламоларни ҳурматлаш. Чунки, улар пайғамбарларнинг меросхўрларирилар ва уларни ҳурматлашлик пайғамбарларни ҳурматлашликнинг аломатидандир.

Ҳар бир оила ва жамиятдан матлуб нарсалар:

28. Фарзанларни расулуллоҳни севиш руҳида тарбиялаш.

29. Фарзандаларни барча ҳолатларида пайғамбар саллоллоҳу алайҳи ва салламга эргашиш руҳида тарбиялаш.
30. Уларга сийрат китобларини намуна қилиш.
31. Уларга сийрат кассеталарини намуна қилиши.
32. Тарбия соҳасида муҳим бўлган фильмлардан танлаб кўрсатиш.
33. Оиланинг барча аъзолари жамъланиб, ақалли ҳафтасига бир маротаба маҳсус сийрат дарсларини ўтказиш.
34. Оила бошлиғи (эр) оиласига муомалада пайғамбар саллоллоҳу алайҳи ва салламдан намуна олиши.
35. Болаларни пайғамбар саллоллоҳу алайҳи ва салламдан мерос дуоларни ёдлашга қизиктириш.
36. Фарзанларни ўзларига ажратилган кундалик маблағларидан баъзи қисмини етимларга ғамхўрлик ва муҳтоҷларга ёрдам бериш каби юмушларга ишлатишга ўргатиш.
37. Фарзандларни ўзаро оғзаки муомалаларида пайғамбаримиздан мерос машҳур ҳикматли сўзларни истеъмол қилишга одатлантириш. Масалан: “иймонли киши зийрак бўлар”, “иймонли киши икки карра алданмас” каби.
38. Оилада пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи ва салламнинг сийратларига оид илмий мусобақа ташкил қилиб туриш.
39. “Пайғамбар саллоллоҳу алайҳи ва салламнинг уйида бир кун” ва шу каби бошқа унвонлар остида мусулмон оилаларга расулуллоҳнинг оилавий ҳаётини ўргатадиган дастурларни тайёрлаш ва ижро қилиш.

Таълим тарбия соҳасида ишлаганлардан матлуб нарсалар:

40. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва салламнинг уммати зиммасидаги бекиёс ҳаққини изҳор қилиш орқали талабаларнинг юракларига расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва салламни севиши ҳиссини экиш.
41. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва салламнинг таржимайи ҳолларидан у зот шахсиятининг буюклигини ифодалаган лавҳаларни ўз ичига олган маърузаларни кўпайтириш.
42. Таълим тарбия соҳасидаги масъул шахсларни инсоний мутахассислик, исломий дарслардан иборат таълим программасига сийрат моддаларини кўпроқ қўшишга ундашлик.
43. Фарбнинг машҳур илмий даргоҳларида расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва салламнинг сийратларидан дарс бериладиган маҳсус соатлар ажратиш учун маблағ топишга ҳаракат қилиш.

44. “Мағозий”, “Шамойил” ва “Раҳийқул махтуум” каби сийрат асарларни таълиф қилиш учун мутахассис олимлар орасида илмий мусобақалар ташкил қилиш.
45. Исломий ўсишликтининг минтақалараро тажассумини риоя қилиш билан бирга таълим даргоҳларида расууллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва салламнинг шахсияти билан таниширирадиган ярмаркалар ташкил қилиш.
46. Кутубхоналарда расууллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва саллам ва унинг сийратига алоқадор барча маълумотларни ўз ичига олган илм воситалари учун махсус рукнларни очиш.
47. Расууллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва салламнинг сийратлари ҳақида ўта бой, энциклопедик ва ягона мурожаат манбаи бўлиб қолишга лойиқ асарларни яратиш устида ишлаш ва уни дунё тилларига таржима қилиш.
48. Талабалар орасида “сийрат мавзусидаги энг яхши асар учун” деган мавзуда йиллик мусобақалар ташкил қилиш ва мукофотларни белгилаш.
49. Ёшлар орасида уларнинг қалбига расууллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва салламнинг муҳаббатини экадиган қизиқарли суннатга оид дастурлар ташкил қилиш.
50. “Расууллоҳдан намуна олган етакчи” деган мавзуда махсус, тарбиявий давралар ва дастурлар ташкил қилиш.

Имомлар, даъватчилар ва талабалардан матлуб нарсалар:

51. Расууллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва салламнинг даъвати ва рисолатининг хусусиятларини баён қилиш. Зоро, у зотнинг даъватидаги асос одамларни ягона роббига ибодат қилишга чақиришлик бўлган эди.
52. Инсонларнинг барча тоифасини мана шу динга даъват қилиш, уларни хидоятга бошлаш.
53. Росууллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва салламнинг пайғамбар бўлишларидан олдин ва бўлгандан кейинги фитрий ва ахлоқий сифатларини баён қилиш.
54. Росууллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва салламнинг фазилатларини ва у кишининг умматлари хусусиятларини гўзал услугуб билан баён қилиш.
55. Росууллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва салламнинг аҳли оиласи, қўшнилари ва саҳобалари билан қилган муомалаларини кайфиятини баён қилиб бериш.

- 56.Росулууллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва салламнинг мунофиқ ва мушриклардан иборат бўлган душманларига қилган муомалаларини ўргатиш.
- 57.Кундалик хаётда тутган йўлларини инсонларга билдириш.
- 58.Жума хутбаларининг иккинчи қисмида росулууллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва салламнинг сийратларига тўхталиб ўтиш, баъзан эса хутбани у зотнинг сийратларига бағишлиш.
- 59.Жамоат намозларида рр саллоллоҳу алайҳи ва саллам ҳақларида оят ўқилса намоз ортидан ўша оятни 3-5 дақиқа орасида шарҳлаб ўтиш.
- 60.Масжидларда қуръони карим (тахфиз) ҳалқаларининг ёнига ҳадиси шарифларни ёдлатадиган (тахфиз) ҳалқалар очиши.
- 61.Авом ҳалқ орасида росулууллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатларига нисбатан тарқалган баъзи хатоларни тузатиш, барча мусулмонларни росулууллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва саллам сахих суннатларига амал қилишликга чақириш, осон йўллар билан тушунириш.
- 62.Росууллҳ саллоллоҳу алайҳи ва салламнинг даъват ишида тутган ўринларини баён қилишлик билан мусулмонларни динларига қайтариш.
- 63.Росулууллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва саллам ҳақларида ғулув қилаётган ҳар хил видео, аудио ва ёзма равишда тарқалаётган мавзулардан огоҳлантириш ҳамда ғулувдан қайтарадиган (динингизда ғулув қилманг)оятига ўхшаш оятлар, (мени Исо ибн Марямни осмонга кўтаришганидек осмонга кўтарманглар)деган ҳадисга ўхшаш ҳадисларни баён қилиб, росулууллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва салламга бўлган ҳақиқий муҳаббат у кишига эргашиш билангина бўлишига ургу бериш.
- 64.Инсонларни росулууллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва саллам сийратларини ҳақиқий манбаъларидан ўқиб ўрганишга чақириш
- 65.Росулууллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва саллам ва у кишининг сийралари ҳақларида тарқатиладиган ҳар хил ботил, асоссиз гапларга қарши курашиш.
- Зиёлилардан матлуб нарсалар.**
- 66.Росулууллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва саллам кимликларини ва у кишининг умматлари қандай хусусиятларга эга эканлигини баён қилиб, ҳар муносабатларда, омавий ахборот воситаларида, илмий-мафкуравий йиғинларда кўтариб чиқиши.
- 67.Росулууллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатларини камситадиган ҳар қандай мавзуни нашр қилинишига йўл қўймаслик.

- 68.Динимиз ва пайғамбаримиз ҳақларида нотўғри, ботил тўхматларни тарқатаётган ғарб мамлакатларига қарши раддиялар беришда мутасадди бўлишлик.
- 69.Мусулмон бўлмаганларнинг инсофилари, зиёлилари билан биргалиқда маданий йиғилишлар, матбуот анжуманлар ўтказиш.
- 70.Инсофли коғирларнинг ўзлари росулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва саллам ҳақларида айтган сўзларини нашр қилиш.
- 71.Росулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва салламнинг йўллари ҳамма вақт барчага муносиб эканлигини баён қилиш ва у кишининг сийратларини манҳажларини ёритиб берадиган анжуманлар, форумлар ташкил қилиш.
- 72.Росулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва саллам ҳақларида мусобақалар ўюштириб, мусобақа совриндорларига катта мукофотлар бериш.
- 73.Росулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва саллам тўғриларида қиссалар, мақолалар, китобчалар ёзиш.
- 74.Газета журналларнинг бош редакторларига ўз газета ва журналларининг бир бурчагидан росулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва салламни яхши кўриш фарзлигини, у кишининг муҳаббатлари бола-чақамиз, отаонамиздан, барча инсонлардан, ҳатто, ўзимиздан ҳам устун эканлигини ҳамда ушбу муҳаббат у зотни улуғлаш, у кишига эргашиш, у зотнинг ҳадисларини бошқа барча инсонларнинг сўзларидан устун қўйишини тақозо қилишини баён қилишда ишлатишликни таклиф қилиш.
- 75.Телеканалларнинг бошлиқларига росулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва салламнинг сийратларини, дўсту-душманлари билан қандай алоқа қурганларини баён қиласидиган дастурлар тайёрлашни таклиф қилиш.
- 76.Аудио ва видео студияларни росулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва салламнинг сийратларини қизиқарли ва пухта қилиб видео ва аудио тасмаларида кўпайтиришликга чорлаш.
- 77.Телеканаллар ва фазовий каналларнинг эгаларини росулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва салламнинг сийратларини ўргатадиган мультфильмларни ёш болаларга муносиб равишда ишлаб чқишликга чорлаш.
- Хайрия ташкилотларидан матлуб нарсалар.**
- 78.Росулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва салламни нусратлари учун байроқ кўтарадиган қисмлар ташкил қилиш.
- 79.Турли ярмаркалар, анжуманларда хайрия ташкилотлари росулуллоҳнинг олиб келган рисолаларини тарқатишида қилган ишларини кўрсатиш учун, маҳсус бурчаклар ташкил қилиш.

- 80.Росулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва саллам ҳақларида маълумотлар берадиган барча воситаларни –видео, аудио ва ёзма нашрлар- тарқатиш учун махсус узлуксиз хизматлар.
- 81.Суннат ва сийратга хизмат қилганларнинг энг яхиси деб топилганларга яхши мукофотлар бериб, уларга бир йилда бир маросим ўюштириб ҳурматга сазовор шахсларни чақириш.
- 82.Росулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва салламнинг сийратларидан иборат бўлган китобларни дунё тилларида чоп қилиб, китобларни дунё бўйича оммавий кутубхоналар, ўқув юртларининг кутубхоналарига тарқатиш.
- 83.Росулуллоҳ ва у киши келтирган ушбу динни одамларга таниширадиган махсус газета журнallар чоп қилиш.
- 84.Росулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва салламнинг нусратларига, сийратларига таълиф ва таржима билан хизмат қилиш мақсадида, бу борада веб саҳифалар очиш йўлида хайрия жамғармалар очиш.

Интернет мутахасислари ҳамда вебсаҳифа эгаларидан матлуб нарсалар.

85. Ушбу диннинг ҳақиқий суратини, ҳамда Ислом динини барча пайғамбарларга бўлган муносабатини кўрсатиб берадиган жамоатлар ташкил қилиш.
 - 86.Росуллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва салламнинг оламшумул рисолалари ва у кишининг сийратларини тўғри суратда очиб берадиган вебсаҳифалар, форумлар тузиш ва бошқа сайтлардан шу мақсадда бурчаклар очиш.
 - 87.Мусулмон бўлмаганлар билан росулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва салламнинг кимликлари тўғрисида, у киши олиб келган дин қандай дин эканлиги атрофида сухбатлар ўтказиб, уларни росулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва салламнинг сийратлари билан танишиб чиқишига чақириш.
 - 88.Электрон почталардан юборилган хатларга росулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳикматли сўзларидан доно ҳадисларидан қўшиб юбориш.
 - 89.Ҳар-ҳар замонда росулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва саллам ва у кишининг даъватлари ҳақида мақолалар ёзиб уларни росулуллоҳга тегишли бирор муносабат ёки ҳодисада тарқатиш.
 - 90.Росулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва салламни таниширадиган баъзи китоб, аудио ва видео файлларни излаш хизматини ўтайдиган машҳур веб саҳифаларда эълон қилиш.
- Исломий давлатлар ҳамда бойлардан матлуб нарсалар.**
- 91.Пайғамбаримизнинг сийратларига хизмат қиладиган барча дастурларни қўллаб қувватлаш.

92. Баъзи ҳадислар ва росууллоҳнинг ҳикматли сўзларини барча воситалар орқали нашр қилиш.
93. Росууллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва саллам ва Ислом дини ҳақида гапирадиган телеканаллар, фазовий каналлар ва газета ва журналлар ва бошқа воситаларни ишга солишга уриниш.
94. Хориждаги телеканаллар ва радиоларда росууллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва саллам ҳақларида тушунча берадиган лавҳалар учун баъзи бир дақиқаларни ижарага олиш.
95. Росууллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва салламнинг сийратлари ва унинг таржимаси билан шуғулланадиган маҳсус ташкилот тузиш
96. Сийрат ва пайғамбаримиз тарихларига хизмат қиласидиган маҳсус музейлар ва кутубхоналар ташкил қилиш.
97. Сийрат ва пайғамбаримиз тарихларига хизмат қиласидиган маҳсус интернет сахифалари очиш.
98. Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи ва саллам келитирган ушбу дин, бу зотнинг хулқи ва сийратларини баён қиласидиган теледастурлар, аудиотасмалар, китоб ва бошқа воситаларни дунёнинг барча тиллари айниқса инглиз тилида нашр қилиш.
99. Сийрат ва даъват мусобақаларига ҳисса қўшиб, уларга моддий ва маънавий ёрдамлар қўрсатиш.

Хотима

Муқаммал қилиб бизларга жўнатарсиз деган умидда 100- василани сизга ҳавола қилдик.

Шундай қилиб, муҳтарам биродарлар ва муҳтарама опа сингиллар, барчамизнинг зиммамиздаги вазифа севикли пайғамбаримиз ва йўлбошчимиз Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи ва салламнинг мудофааси ва нусрати учун белларимизга ғайрат камарини боғлашдан иборатдир. Худди мана шу мақсадда биз мазкур ёдномани тайёрладик. Токи, зиммамиздан масулият соқит бўлгай! Энди, бу ёдномани ёйишлик ва тарқатишда бирғаликда ҳаракат қилайлик! Уйда, оила даврасида бўладими, телефон орқали суҳбат чоғида бўладими ёки бирорвга хат ёзиш асносидами, хуллас, барча ўринларда ва ҳолатларда ҳабибимиз Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи ва салламни ҳимоя қилишга ҳисса қўшиб қолайлик.